



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 1-uy. Faks: (+99875)221-12-88, qashqadaryo@exat.uz

2021 - yil 17 - iyun

275-4-0-Q/21

Qashqadaryo viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг sanoat salohiyatini oshirishga doir qўshimcha chora-tadbirlar tўg‘risida”gi ПФ-6244-sonli farmoni tўg‘risida

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг sanoat salohiyatini oshirishga doir qўshimcha chora-tadbirlar tўg‘risida”gi ПФ-6244-sonli farmonini ijrosini ta‘minlash, elektrotexnika, tўqimachilik, charm-poyabzal, ozik-ovqat, farmatsevtika, zarгарlik buyumlari, ko‘g‘oz sanoati, qurilish materiallari, mebel, uy-rўzgor buyumlari ishlab chiqarish va boshqa mahalliy sanoat tarmoqlarini (mahalliy sanoat) jadal rivojlantirishga kўmaklashuvchi jahlit tizimni yaratish, shuningdek hududlarнинг sanoat salohiyatini oshirish maqsadida Ўзбекистон Respublikasining “Mahalliy davlat hokimiyati tўg‘risida”gi Qonunining 5,6 va 25-moddalariga asosan

Q A R O R Q I L A M A N :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг sanoat salohiyatini oshirishga doir qўshimcha chora-tadbirlar tўg‘risida”gi 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-sonli farmoni ma‘lumot va ijro uchun qabul qilinсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг mazkur Farmoni bilan tasdiqlangan ilovalar orqali amalga oshirilib inobatga olinib, tegishliliги bўyicha ijroga iynalтирилсин.

3. Viloyatda qurilish materiallari ishlab chiqarishga ihtisoslashtirilgan tumanlar:

Dehqonobod tumani hokimi (Z.Alikulov) – qurilish toshi va shag‘alni qayta ishlash asosida qurilish materiallarini ishlab chiqarish;

Kitob tumani hokimi (A.Zokirov) – cement ishlab chiqarish va tabiiy tosh (marmar)ni qayta ishlashga ihtisoslashuvi iynalishlarida viloyat Investitsiyalar va tashqi savdo boshqarmasi (Z.Ergashev), viloyatda tashkil etilgan “Loyixalar fabrika”si bilan hamkorlikda yangi loyixalarni shakllantirish choralarni kўrishсин.

4. ATB “Ўzsanoatqurilishbank” filiali (O.Xaitov) Tiklanish va tarakiyet jamfarmasi tomondan qurilish materiallari sanoatidagi loyixalarni molialashtirish uchun **200 million AQSh dollari** miqdorida ajratilib ishlab chiqarilgan kredit mablag‘larini tadbirkorlik

субъектларига ажратишилишида амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

5. Вилоят Молия бошқармаси (Ф.Юсупов) **бир ой муддатда** Фармоннинг 6-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда:

ихтисослаштирилган туманларда **саноат инфратузилмасини ривожлантириш учун 400 миллиард сўм;**

геология-қидирув ишларини олиб бориш учун **100 миллиард сўм** пул маблағлари ҳисобидан вилоятнинг Китоб ва Деҳқонобод тумани ҳокимларининг асослантилган таклифларига биноан саноат инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсин ҳамда молиялаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Вилоят **Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (З.Эргашев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (А.Бердиев):**

бир ой муддатда ихтисослашув соҳасини инobatга олиб, лойиҳалар амалга оширилиши таклиф қилинадиган туманлар (шаҳарлар) рўйхатини шакллантирган ҳолда 2022-2026 йилларда маҳаллий саноат тармоқларини жадал ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастурини ишлаб чиқсинлар;

7. Туман (шаҳар)лар ҳокимларига – “ички бозор эҳтиёжларини ўрганиш – импортни таҳлил қилиш - ресурс базасини аниқлаш-янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” тамойили асосида маҳаллий саноатни ривожлантириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Эркаев) 2021 йил 1 июлдан вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси ҳузуридаги “Кичик саноат зоналари дирекциялари”ни вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасига тўлиғича мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан биргаликда ўтказилишини таъминласин.

9. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари (С.Донаев), вилоят Молия бош бошқармаси (Ф.Юсупов) Ўзбекистон Республикасини Президентининг мазкур фармонининг 11-бандига асосан, **Қашқадарё вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси** лавозими **Қашқадарё вилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси** лавозимига ўзгартирилсин ҳамда унинг котибияти штати Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг **2 та штат** бирлигини ўтказиш ҳисобига **3 та штат** бирлигигача кенгайтирилишини инobatга олиб, вилоят ҳокимлигининг ижро этувчи тузилмасини қайта кўриб чиқиб, янги тузилмаси ва бошқарув ходимлари штат жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг қарор лойиҳасини киритсинлар.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Юсупов) зиммасига **вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси** фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

11. Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси (Н.Темиров) **3 кун муддатда** вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси котибиятига қўшимча хоналар ҳамда иш фаолиятида зарур бўлган инвентарлар билан таъминласин.

12. Ушбу қарор бажарилишини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вилоят ҳокимининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Б.Юсупов, вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси ҳамда туманлар

ва шаҳарлар ҳокимлари белгилансин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қашқадарё вилояти ҳокими



Z.Mirzayev